


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН
МЕНЕЖМЕНТ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ ТАЖРИБАСИ**

*Республика илмий-амалий
конференцияси*

***ИЛМИЙ МАҚОЛА ВА ТЕЗИСЛАР
ТЎПЛАМИ***

2018 йил 9 октябрь

ТОШКЕНТ – 2018

“Ўзбекистонда инновацион менежмент стратегияларини амалга ошириш тажрибаси” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси илмий мақола ва тезислар тўплами (2018 йил 9 октябрь). – Т.: ТДИУ, 2018. – 472 бет.

Илмий-амалий анжуман илмий мақола ва тезислар тўпламига илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган изланувчи-тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар, магистрлар ҳамда мазкур соҳа мутахассислари илмий ишлари киритилган.

Ушбу илмий-амалий анжуманнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июль ПҚ-3151-сонли қарори бажарилиши бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш ҳамда “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларни мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июнь ПҚ-3775-сонли қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонда инновацион менежмент стратегияларини амалга ошириш тажрибасини, кенг доирадаги илмий ва амалий муҳитда инновацион ривожланишнинг муаммолари ва ишга солинмаган имкониятларини муҳокама қилиш ва оммалаштиришдан иборат.

Мазкур тўпланда инновацион менежмент стратегияларини ишлаб чиқиш методологиясини такомиллаштириш, таълим соҳасида инновацион стратегияларни яратиш, хорижий мамлакатларда инновацион стратегияларни амалга ошириш тажрибаси ва Ўзбекистон саноати тармоқларида инновацион фаолиятни ривожлантириш каби долзарб масалалар ёритилган бўлиб, профессор-ўқитувчи, илмий изланувчи, тадқиқотчи ҳамда магистрлар илмий изланишларида фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир:

и.ф.д., проф. Б.Ю.Ходиев

Таҳрир хайъати:

и.ф.д, доц. Ш.И. Мустафакулов
PhD Г.Э. Захидов
и.ф.д. проф. О.Х. Хамидов
Ж.Т. Юлдашев
и.ф.н, доц. М.М. Ташходжаев
и.ф.д., проф. Н.К. Йўлдошев
и.ф.д., проф. М.С. Қосимова
и.ф.н, доц. М.Г. Умарходжаева
и.ф.н, доц. Д.Т. Юсупова

Тақризчилар:

и.ф.д., проф. А.А.Фаттахов,
Маркетинг кафедраси профессори
А.А.Мухиддинов,
“Ўзтўқимачилик саноат” уюшмаси

Мазкур тўпланда киритилган мақолалар ва тезисларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ҳамда билдирилган фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзи масъулдирлар.

| | | |
|-------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| Ўрмонов Н.Т | оила институтида инновацион салоҳият мустаҳкамланишининг методологик асоси..... | 184 |
| Ахунова Г.Н. | Управление инновационными проектами производственной деятельности предприятия..... | 187 |
| Ташходжаев М.М. | Значение внедрения кредитной системы в высшее образование Узбекистана..... | 194 |
| Одинаев С., Таджиев С. | Ўзбекистон тўқимачилик саноатида юқори малакали ва интеллектуал салоҳиятли кадрлар тайёрлашда янги ёндашувлар самараси..... | 198 |
| Ахмедова Г.У. | Предпосылки развития инновационной экономики в Узбекистане..... | 202 |
| Очилов А.О., Очилова Г.О. | ОТМларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш менежменти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар..... | 205 |
| Аллаберганов С. | Олий таълимда инновацион мультимедианинг қўллаш масалалари..... | 210 |
| Кадирходжаева Н.Р., | Олий таълим тизимида инновацион фаолият ташкил этиш масалалари..... | 212 |
| Махмудов Ж.К., Сайфуллаев И.Л., | Перспективы развития дистанционного обучения в Узбекистане..... | 214 |
| Назарова Р.Р., Карабаева Г.Ш., | Роль и значение инноваций в системе образования..... | 217 |
| Рўзиева Д.И. | Таълим сифатини оширишда интерфаол методлар – талабаларнинг мустақил ижодий тафаккурини ривожлантирувчи дастак сифатида..... | 222 |
| Камалова М.Н., Мухитдинова М.С. | Инновации в образовании – путь к прогрессу..... | 225 |
| Юнусов М.П. | Таълим тизими соҳасидаги инновацион ислохотлар – сифатли кадрлар тайёрлаш гарови..... | 227 |
| Эргашева Ш.Т. | Проблемы инновационных модернизаций профессионального образования..... | 230 |
| Назарова Ф.Х. | Таълим тизими сифатини таъминлашда Буюк Британия тажрибаси..... | 233 |
| Юсупова Д.Т. Юлдашева И.У. | Олий таълим муассасасида талабаларнинг мустақил таълимни ташкиллаштиришда хориж тажрибаси..... | 236 |
| Шаропова Н.Р. | Мактабгача таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини амалга оширишнинг аҳамияти..... | 239 |
| Хидирова М.Р. | Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари..... | 241 |
| IV шубҳа. ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ | | |
| Mustafakulov Sh.E. | Impacting factors influenced to investment attractiveness of regions..... | 244 |
| Гулямов С.С., Шермухамедов А.Т. | Роль компании HUAWEI в создании цифрового Великого Шелкового пути..... | 248 |
| Йўлдошев Ж. | Саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини бошқаришнинг назарий-услубий жиҳатлари..... | 251 |
| Хамидов О.Х, Умарходжаева М.Г. | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инновацион технологик занжирни яратиш муаммолари..... | 258 |
| Эргашходжаева Ш.Ж., Хакимов З.А. | Ўзбекистон тўқимачилик саноатида “мовий океан” стратегиясидан фойдаланиш имкониятлари..... | 260 |
| М.Косимова, Ш.Джаббарова | Иқтисодий инновацион ривожлантиришда иқтисодий терминларнинг ўрни..... | 264 |
| Исмаилова Н.С., Шагазатов У.У. | Инновационно-технологические центры – инкубаторы инноваций..... | 266 |
| Алимов Р.Х. | Бошқарув тизимида сунъий нейрон тармоқ усулидан фойдаланиш | |

бўлиб, ундаги ўзгаришлар нафақат ўсишга, балки камайишга ҳам олиб келиши мумкин.

Демак, инновацион салоҳият динамикаси даражаси, унга турли омилларнинг таъсири натижасида вужудга келади (*кадрлар таркибининг ўзгариши, техник таъминотнинг ўзгариши, маблағ жалб этиши ва ҳ.к.лар.*).

Олиб борилган изланиш натижаларига асосланган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, саноат корхонасининг инновацион салоҳиятини тўлақонли объектив баҳолаш жараёни, биринчидан, уни тавсифловчи асосий кўрсаткичлар таркибини аниқлаш, иккинчидан эса, уларга таъсир кўрсатувчи омилларнинг таъсир этиш даражасини ўлчашдан ташкил топади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инновацион технологик занжирни яратиш муаммолари

*О.Х. Хамидов, и.ф.д., ТДИУ проректори
М.Г. Умарходжаева, и.ф.н., ТДИУ доценти*

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацион жараёнларни чуқурлаштиришга ва инновация базасини мустаҳкамлаш учун барча зарур ижтимоий-иқтисодий имкониятлар мавжуд. Бироқ ушбу соҳани инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, ёки бошқача айтганда, инновацион лойиҳаларни бир, ҳатто бир неча кичик бизнес субъектлари миқёсида ҳам амалга оширишда муаммолар мавжуд, чунки:

биринчидан, бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган дехқон ва фермер хўжаликлари ва маҳсулотларни қайта ишловчи бизнес субъектлар ҳозирги вақтда илмий тадқиқот ишларига буюртма бериш ҳамда тадқиқотларни молиялаштиришда иштирокининг сустлиги;

иккинчидан, озиқ-овқат соҳасида илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқишда кичик бизнес субъектларининг фаол эмаслиги ва институционал муҳитни етарли даражада шаклланмаганлиги ва уларни рағбатлантириш механизмини етарли эмаслиги;

учинчидан, озиқ-овқат саноати бўйича янги технологияда, янги нав ва сортларни яратишда, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчиларда инновацияни қўллаш бўйича етарли даражада билим ва

кўникмаларни етишмаслиги, олимлар ва мутахассислар хизматидан фойдаланишларда инновацияли интеграллашган бизнес портфелни ташкилий муаммолари ва кластер ёндашувини етишмаслиги;

тўртинчидан, янги технология, янги нав ва сортларни яратиш ва қўллашда, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи бизнес субъектларида инновацияни қўллаш бўйича ОТМ ва илмий тадқиқот муассасалари олимлари томонидан тайёрланган инновацион ишланмаларга ишлаб чиқарувчиларнинг талаби етарли даражада эмаслиги ёки улар ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд эмас;

бешинчидан, инновацияли интеграллашган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиялари занжирида бизнес портфелни кластерлар

тартибида ташкил қилиш бўйича институтларни тизимли ёндашувини етишмаслиги;

Озиқ-овқат саноати салоҳиятини инновацияли интеграллашган маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиялари занжирида бизнес портфелни ривожлантириш муаммолари Ўзбекистон учун алоҳида долзарб аҳамият касб этади, чунки фақатгина янги ресурстежамкор, илғор технологиялар занжирида тизимли ташкил қилинган кичик бизнес субъектлари интеграциясидан кенг ва самарали фойдаланган ҳолда инновацияли ривожланиш ушбу тармоқни барқарорлигини тезкор суръатларда ўсишини таъминлайди.

Маълумки, йирик ишлаб чиқаришда инновация кенг маънога эга бўлган янги ёки такомиллаштирилган янгиликни ўзида акс эттирган маҳсулотни англатса, амалиётда эса интеграциялашган – инновацион технологик занжирда такомиллаштирилган технологик жараённинг фаолият натижаси бўлиб, кичик бизнес субъектларини институционал ва тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобланади. Бунда кичик корхоналарнинг раҳбарларини қисқа муддатли тор мазмунли дастурлар асосида қайта таёрлашдан воз кечиб, интеграциялашган инновацияли бизнес-таълимнинг тўлиқ дастурлари асосида ўқитиб тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Ривожланган давлатлар мутахассисларининг фикрига кўра, бизнес-таълими нафақат тадбиркор фаолиятига тааллуқли томонлар (профессional билим, ишбилармонлик назаридан стратегик фикрлаш), балки «атроф-муҳитда ўз ўрнига ишбилармонлик билан қараш» ва ишбилармонлик этикасини (одобини) шакллантиришни талаб қилади. Лекин, одамнинг тафаккурини кескин ўзгартириш - жуда муаммоли вазифа бўлганлиги учун интеграциялашган - инновацияли бизнес-таълим тизимида шаклланиб бўлган тадбиркорлар билан бир қаторда, бўлажак тадбиркорларни ҳам қамраб олиш керак. Бунда камида уч таълим босқичидан иборат бўлган олий бошқарув кадрларни тайёрлашнинг изчил ва мантиқий жиҳатдан мукамал бўлган интеграциялашган - инновацияли технологиясини ишлаб чиқишни таъминлаш керак бўлади.

Шу билан бир қаторда, яқин келажакда, кичик корхоналарнинг раҳбарларини умумий professional билимларини ошиб бориши мобайнида, умумназарий йўналишдаги дастурларга эҳтиёж камайиши ва бошқарувнинг алоҳида масалалари, яъни интеграциялашган - инновация бўйича ўтказиладиган қисқа муддатли бизнес-тренинглар ва семинарларга талаб ўсиши кутилмоқда. Шунинг учун «хизмат кўрсатилаётган» бозорни кенгайтиришнинг кейинги йўналиши - консалтинг фаолиятидир. Таълим марказларининг консалтинг вазифалари икки томонлама амалга оширилади: минтақавий марказ ҳузурида бир ёки бир нечта ихтисослашган фирмалар тузиш ҳамда ушбу фаолиятга бир мартали шартномалар асосида марказ ходимларини жалб этиш ҳамда кичик бизнес субъектларининг интеграциялашган - инновацияли ўзаро технологик ҳамкорлик модели асоси бўлиши мумкин. Бунда қишлоқ хўжалиги соҳасида кичик корхоналарнинг маҳсус эҳтиёжларига йўналтирилган консалтинг хизматини кўрсатиш, уларга керакли маслаҳатлар ва тавсиялар олиш

имкониятини ҳамда кичик бизнес субъектлари кооперацияси интеграциялашган - инновацияли технологик занжирини яратишни кўзда тутди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида технологик имкониятларни ривожлантириш учун янги университет тадқиқот лабораториялар ва инновацион марказларда амалга оширилган лойиҳаларни тижоратлаштириш инфратузилмаси талаб этилади. Бундай инфратузилма интеллектуал мулкни тўлақонли ҳимоя қилиш тизим мавжудлигини, университет ва тадқиқот институтлари қошидаги технологияларни индустриал ва технопарклар, бизнес-инкубаторлар ва молиялаштириш ва венчур капиталларни ишлаб чиқариш субъектларига етказиш тутиш асосида самарали кооперация фаолиятини амалга ошириш лозим.

Кичик бизнес соҳасида босқичма-босқич олиб борилган ташкилий-ҳуқуқий ва институционал ислоҳотлар истиқболли ривожланишда тизимлаштирилган институционал ислоҳотлар ва тузилмавий қайта ўзгаришлар қонун ва қонун ости, меъёрий ва бошқа ҳужжатларни такомиллаштириш орқали ислоҳотларни амалга ошириш шакли, усуллари ва механизмларига боғлиқ.

Ўзбекистонда кичик бизнесни институционал асосини ривожлантириш ушбу фарқларни бартараф этишга қаратилган бўлиши лозим. Кичик бизнес соҳасида бозор принципларига асосланган институционал ва тузилмавий ислоҳотларни чуқурлаштиришда субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш институтлари ва жамоатчи ташкилотларни ҳудудий ва маҳаллий даражада ролини ошириш керак. Бунда асосий эътиборни қуйидаги йўналишларга қаратиш лозим:

✓ Институционал ва тузилмавий ислоҳотларни юқори даржада кўшимча қийматни таъминлаб берадиган техника ва технологиялар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этувчи кичик бизнес субъектлари фаолиятига қаратиш;

✓ Миллий инновация фундаменти асосида кичик бизнесни юқори технологик занжирли ишланмаларни яратишда фаол қатнашувчи субъект сифатида жалб этиш институтлари ва тузилмаларини жорий этиш;

✓ Кичик бизнес субъектларига профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини ҳудудий ва маҳаллий даражадаги инновация маркази, технопарк ва юқори технологик ишланмалар томонига йўналтириб, йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари билан ҳамкорлик тизими институтларини ривожлантириш кабилар иборат.

Ўзбекистон тўқимачилик саноатида “мовий океан” стратегиясидан фойдаланиш имкониятлари

*Ш.Ж. Эргаишходжаева, и.ф.д., ТДИУ профессори
З.А. Хакимов, PhD., ТДИУ катта ўқитувчиси*

Ўзбекистон Республикаси Президентиинг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285-сонли фармонида мувофиқ, тўқимачилик саноатининг иқтисодийдаги улушини ошириш, мамлакатда ишлаб